

Чет тилини 15 кунда ўрганган ёш саҳобийни биласизми?



11:00 / 23.06.2020 3494

Бизни давримизда кўп тилни билувчи қобилият эгаларини полиглот – (юнончадан, “кўп тилли”) дейишади. Келиб чиқишлари турлича, турли замон ва маконларда яшаган бўлишларига қарамай, уларни бир нарса бирлаштиради: полиглотлар рекорд даражадаги қисқа вақт ичида чет тилини ўзлаштиришлари мумкин.

Одамлар уларнинг иқтидорларида ҳамма вақт ҳайратда қолган, улар ҳақида китоблар ёзилган.

Хусусан, тарихда ўтган шундай улуғ зотлардан бири Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу бўладилар. Бу йигитнинг исми Ислом тарихининг зарварақларида исми олтин ҳарфлар билан битилган.

Зайд ибн Собит 11 ёшларида мусулмон бўлганлар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга иброний тилини ўрганишни буюрганларида Зайд бу тилни 15 кунда тўлиқ ўргандилар. Ўшанда ёшлари 13 да эди. Кейин эса 17 кунда сурёний тилини ҳам ўргандилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу бу кишига Қуръонни жамлашни буюрганларида ёшлари 23 да эди.

Келинг, бу хусусда ўзлари нима деганларига қулоқ тутамиз:

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга амр қилдилар ва мен у киши учун яҳудийларнинг ёзувини – бошқа ривоятда: сурёнчани – ўргандим. Шунда у зот: «Мен яҳудларга мактубимни ишонмайман», дедилар. Мен ярим ой ўтмай у тилни яхшилаб ўрганиб олдим. У зот уларга мактуб ёзсалар, мен ёзар эдим. Улар у зотга ёзишса, мен ўқиб берар эдим».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

Бундан ташқари Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу нафақат Расулulloҳнинг таржимонлари балки котиблари ҳам бўлганлар. Шу сабабдан Аллоҳнинг каломи – Қуръони каримнинг аввал саҳифаларда жамланиши, сўнгра териларга нусхаси кўчирилиши, яъни Мусҳафи шарифни жамланишида бу буюк саҳобий энг асосий вазифалардан бирини бажарганлар. Чунки бу киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг котиби Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу эдилар.

Ҳоким ўзининг «Мустадрак» китобида икки шайхнинг шартига мувофиқ санад билан Зайд ибн Собитдан қуйидаги ривоятни келтиради: «Зайд ибн Собит: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Қуръонни руқъаларга ёзар эдик», деди».

Ҳадисдаги «руқъа» калимаси тери ёки қоғоз парчасини англатади. Бу эса ўз навбатида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги ваҳий котиблари учун ёзиш қулай бўлган асбобларнинг баъзи турларини билдиради.

Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг даврларида жамланган саҳифалардан бир неча нусха кўчириш учун Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн Осс ва Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомдан иборат илмий гуруҳ тузилган.

Албатта, бу гуруҳга энг етук кишилар танлаб олинган. Ривоятларда келтирилишича: «Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу: «Одамларнинг энг яхши ёзадигани ким?» дедилар. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг котиби Зайд ибн Собит», дейишди. «Одамларнинг арабчани энг яхши биладигани ва энг фасоҳатлиси ким?» дедилар. «Саъид ибн Осс», дейишди. «Саъид имло қилсин. Зайд ёзсин», дедилар».

Бобур Аҳмад